

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН САУДИЯ АРАБИСТОНИДА БЎЛАДИ

Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги биринчи саммитда иштирок этиш учун жорий йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувда Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Баҳрайн Подшоҳлиги, Қатар Давлати, Кувайт Давлати, Бирлашган Араб Амирликлари, Умон Султонлиги, Қозғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон раҳбарлари ҳамда кенгашнинг бош қотиби иштирок этиши кўзда тутилган.

Кун тартибига мувофиқ, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақаларо ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади.

Саммит доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

ЎзА

## “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ” ФОРМАТИ

### ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА МИНТАҚАЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги биринчи саммитда иштирок этиш учун жорий йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлади.

1981 йил 25 майда ташкил этилган Кўрфаз Араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши минтақавий ташкилотига Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Қатар, Умон ва Баҳрайн қиради. Ушбу давлатлар углеводородлар етказиб берувчи етакчи минтақа ва нуфузли жаҳон молия маркази ҳисобланади.

Ташкилотнинг асосий мақсади сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш, яъни иқтисодий ва молиявий масалалар, таълим ва маданият, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, оммавий ахборот воситалари ва туризм, қонунчилик ва бошқарув муаммолари каби соҳаларни тартибга солишдан иборат. Кенгаш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаларида илмий ва технологик тараққиётни рағбатлантиради.

Қўшма иқтисодий келишув шартларига кўра, олти давлат ўртасида тариф тўсиқлари бекор қилинган. Улар ўзаро келишувга мувофиқ,

исталган давлатда тенг шартлар асосида ишлаб чиқариш корхоналари очиб ва шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

Ташкилотнинг асосий органлари — ҳар йили йиғиладиган Давлат раҳбарларининг Олий кенгаши ва ҳар уч ойда бир марта ўтказиладиган Ташқи ишлар вазири кенгаши ҳисобланади.

Кенгаш Бош қотибиятининг штаб-квартираси Саудия Арабистони пойтахти — Ар-Риёзда жойлашган.

Дунёда юзага келаётган мураккаб вазият, глобал сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва молиявий муаммолар ва таҳдидлар ҳамда уларнинг фониде Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва иқтисодий ривожланишини таъминлаш масалалари ҳамкорлик географиясини янада диверсификация қилиш, шу жумладан, араб дунёси мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, минтақаларо ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва мустақамлашни тақозо этмоқда.

Давоми 2-бетда

## БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# ИСЛОҲОТЛАР РУҲИ ВА ШУКУҲИ

## ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ УЧУН АСОС БЎЛМОҚДА

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқидан кейинги ўйлар)

Жорий йил 14 июль янги Ўзбекистон тарихида яна бир муҳим кун сифатида қолди. Шу кунни кўпмиллатли халқимиз қатъий сиёсий иродаси билан сайлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида нутқ сўзлаб, яқин истиқболдаги тараққиёт йўлимизнинг бош мақсадларини белгилаб берди.



“Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади”, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, биз янги Ўзбекистонни куриш йўлидаги яқин тарихимизда ўзгаришлар қудратини яқин англаб етмоқдамиз. Ўз навбатида, шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир ишнинг бошланиш папаси ва ташаббусқори бўлади. Агар суд органлари

тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг бугунги қиёфаси қандай шаклланди, ўзгаришлар қачон бошланди, деган савол берилса, жавобимиз тайёр.

2017 йил 13 июнь. Шу кунни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишини ўтказди.

Ўша йиғилишда давлатимиз раҳбари суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлаш, уни жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилган қатор тарихий ташаббусларни илгари сурди.

Биз бу учрашувни нима учун тарихий, деяпмиз. Боиси, мен 57 йилдирки, шу

соҳада меҳнат қилиб келяпман, лекин бирор марта давлат раҳбари ва судьялар ўртасидаги бундай очик, самимий мулоқотни кўрмадим. Энг муҳими, шу учрашувда давлат раҳбари илгари сурган халқпарвар ташаббуслар суд ҳокимияти тизимида мутлақо янги даврни бошлаб берди.

Давоми 3-бетда

## ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

# Олисларда ҳам ОНА ЮРТ БИЛАН БИРГАМИЗ

Ватан туйғуси нима? Бу саволга ҳар ким турлича жавоб беради. Аммо чинакам Ватан туйғусини юртдан олисда яшаб, бошқа давлатларда ўқиётган ёки ризқини териб юрган инсоннинг кўзларида кўраман, десам ишонаверинг.

Давоми 5-бетда

## ДИЛ ИЗҲОРИ



“Халқимизнинг онги, дунёқарашни ўзгаргани, унинг қалбида ўзига, эртанги кунга ишонч пайдо бўлгани — бу бизнинг энг катта ютуғимиз.

Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади...

Ишончим комил, барчамиз биргалиқда янги Ўзбекистонни — инсон қадрни устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатни албатта қураимиз!”

# ХАЛҚИМ ДЕГАН ИНСОННИ ЭЛ-ЮРТ ДОИМ ҚўЛЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 июль куни ўз лавозимига янгидан киришиш тантанали маросимидаги нутқидаги бу каби фикрлар, хулосалар, даъватларнинг барчаси чуқур ҳаётий асосларга эга. “Утган беш-олти йилда ҳаётимизда нима ўз-

гарди?” деган саволга бугун минглаб қишлоқ-маҳаллалар қиёфасидаги янгиланишлар, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаётган инсонлар турмушидаги ижобий ўзгаришлар мисолида етарлича жавоб айтиш мумкин.

Давоми 2-бетда

## ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

# ҒОЛИБ БЎЛИШ УЧУН 1,5 МИНГ ОВОЗ ЕТАРЛИ БЎЛАДИ



Иқтисодиёт ва молия вазирилик томонидан 17 июль куни “Ташаббусли бюджет” жараёнининг жорий йилги иккинчи мавсумига старт берилди. Унинг биринчи босқичида — 17 июлдан 6 августгача фуқаролар томонидан илгари сурилган лойиҳалар шакллантирилади, иккинчи босқичида — 6 августдан 26 августгача бу таклифлар махсус комиссия томонидан саралаб олинади ва 26 августдан 15 сентябргача лойиҳаларга овоз бериш жараёни — учинчи босқич ўтказилади.

Мазкур жараён якунларига кўра, ҳар бир ҳудудда энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар ғолиб топилди ва улар берилган овозлар сонидан келиб чиқиб, юқоридан пастга қараб сараланади ҳамда молиялаштирилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, иккинчи мавсум учун туман (шаҳар) бюджетлари ҳисобидан 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши ва улар мавсум якунига қадар ортиб бориши кутилмоқда.

Давоми 4-бетда

ДИЛ ИЗХОРИ

ХАЛҚИМ ДЕГАН ИНСОННИ ЭЛ-ЮРТ ДОИМ ҚЎЛЛАЙДИ

Президент бобо, Сиз учун жуда ҳам хурсандман. Нафақат мен {кувончдман}, балким бутун Ўзбекистонда байрам. Мен ҳам Сиз каби билимли, ташаббускор, ғайратли бўлиб, Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга ваъда бераман. Сизни ўзим ва оиламиз номидан Президент сайловида қозонган ғалабангиз билан чин кўнгилдан табриклайман.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бошланиши 1-бетда

"Инсон қадри учун!" ғоясининг амалий натижаларини ўз кўндалик ҳаётида ҳис қилаётган юрдошларимиз сафи кундан-кун кенгайиб бораётгани учун ҳам Президент сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини икки партия қўллаб-қувватлади, 87,05 фоиз сайловчи танлади. Бундай ёрқин ғалаба давлатимиз раҳбарининг янги, қудратли ва буюк Ўзбекистон асосларини барпо этиш, инсон ҳуқуқ-эркинликларини, ҳақ манфаатини таъминлаш йўлидаги беқиёс хизматлари, ички-ташқи сиёсатдаги тарихий ўзгаришларни ҳалқимиз чуқур эътироф этиб, фаол дастлабтаётганини яна бир исботидир.

Шавкат Мирзиёевнинг сайловдаги ишончли ғалабаси, ўз лавозимига янгидан киришиши муносабати билан Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига юрдошларимиздан келаётган кўпга табрик ва миннатдорлик мактубларидан ҳам ана шундай руҳ яққол сезилиб турибди.

Мактубларни ўқир эканмиз, муаллифлар орасида турли ҳудуд, ёш ва миллат вакиллари учралиш табиий, албатта. Уларда эл-юрт равақига дохил турфа қарашлар, мисоллар, тақлифлар, тилаклар баён этилаётгани, юртимиз фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланаётгани, бугунги инсонпарвар сиёсат авлодлар ва миллатларни янги Ўзбекистонни барпо қилишда ягона катта мақсад йўлида бир мушт сифатида бирлаштираётгани ҳам энг ҳаётли далиллардан бири, аслида.

Дейлик, кўп йиллар Каттакўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарчасида маҳалла раиси бўлиб ишлаган меҳнат фахрийси Қамариддин Аҳмедов давлатимиз раҳбарини сайловдаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклар экан, мамлакатимизнинг барча ҳудуди қатори Каттакўрғонда ҳам йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидлайди:

"...Биргина бизнинг туманни олсак, шу кунларда йирик цемент заводи ишга тушади. Бу билан йилга қарий 3 миллион тонна экспортбол цемент ишлаб чиқарилади, 600 нафар қорақўшимиз ишли бўлади, даромадли бўлади, камида 600 та оила рўзгорининг ками тўлади, бири икки бўлади. Ёки яқинда 220 МВт қувватга эга кўш фотозелектр станцияси иш бошлаши билан электр энергиясидаги тизимли масалалар ҳал қилинади.

Муҳтарам Шавкат Мирмонович, янгиликлар Конституцияда асосида очик, шаффоф ўтган сайловдаги ишончли ғалабангиз халқимиз ҳаётидаги мана шундай тарихий ўзгаришлар бардавом бўлишини, эл-юртимишнинг яна 7 йил барқарор ривожланишини тўлиқ қафолаб берди".

"Хурматли Шавкат Мирмонович! Ўзбекистон халқи учун оқилона иродангиз, билимингиз ва куч-ғайратингизни аямасдан меҳнат қиласиз. Барча ёшдаги ва қатламдаги инсонларга ўз ҳаётини ўнглаб олиши учун катта имконият ва тенг шароит яратдингиз. Халқимиз Сиздан доимо миннатдор, Ўзбекистонимиз янада гўзал ва кучли бўлиши учун ҳамиша ёнгинада турамиз, тинмай меҳнат қиламиз", дейилади Элликқалъа тумани "Сарибий" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Худойберган Рузимовнинг мактубида.

Андижон вилояти Асака тумани Янгисор маҳалласида яшовчи Фурқандон Қурбонова эса Шавкат Мирзиёевга овоз берганини ҳаётидаги энг мураккаб паллада давлатимиз катта ёрдам кўрсатгани билан изохлайди: "2020 йили пандемия даврида, синовли кунларда Президентимиз бизни оталарча қўллаб-қувватлади, давлатимиздан доимий ёрдам олдик, меҳр кўрдик. Энг оғир пайтда яна ҳаётга қайтарган бундай кўмак ва эътиборни бир умр унутмаймиз. Сиз билан фахрланамиз, доим дуо қиламиз".

Самарқанд шаҳри Заргартепа маҳалласида яшовчи Равшан Маматқулов табригида "2016 йилгача халқ дардини ҳеч ким эшитмаган. Барча бугундаги раҳбарларни ерга тушириб, оддий одамларни эшитишга, уларга ёрдам беришга ўрагангизнинг учун ҳам Сиздан миннатдоримиз", дейилса, Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Боботоғ маҳалласида яшовчи Зафар Маҳмадзаров мактубида "Оғир шароитдаги инсонларга доимий ёрдам кўрсатилганлигини, адолатли, халқпарвар, қамбағалпарвар Президент бўлганингиз учун ҳам Сизга катта раҳмат айтаман, барчамизнинг суянгани тоғимизсиз", дея таъкидланади.


Фарғона вилояти Қўштепа тумани Қўрғонча маҳалласида Яқкатўр кўчасида яшовчи 9 ёшли Шаҳзодадон Комилжоновнинг шу йил 10 июлдаги мактуби эса "Ассалому алайкум, мен Президентим, Сизга ваъда берганимдек..." деб бошланади.

Қизалоқ ваъдаси мазмунини тушуниш учун эса 7 июль санасига қайтамиз. Чунки ўша кунни қўштепалик Камолиддин Жиянов тумандаги Халқ қабулхонасига 9 ёшли қизи Шаҳзодадоннинг давлат раҳбарига ёзган мактубини олиб келиб топширган (бу хат Виртуал қабулхона тизимида 7 июль кун соат 14:28 да 65285-хқ/23 рақами билан рўйхатга олинган).


Хатни ўқиймиз: "...Сизни доимо телевизорда кўраман. Дадам айтадилар(ки), давлатни бошқариш учун катта билим, тажриба ва куч керак экан. Сиз меннинг қахрамонимсиз. Бизнинг кўчалар ҳам чиройли асфальт қилинди. Ерүши тизимлари (ягни бўлди) ва бошқа яхши ишлар амалга оширилди..."

9 июль кун сайловда мен ҳам иштирок этман, (яъни оила аъзоларим билан бирга бораман), албатта. Лекин (овоз беришга) ёшим етмас экан. Биз оиламиз билан Сизга овоз берамиз. Сиз, албатта, ғалаба қозонасиз ва менинг Президентим бўлиб қоласиз. Хурмат билан, қизингиз Шаҳзодадон, 2023 йил, 7 июль".

Орадан уч кун ўтиб, Президент сайловининг эртаси кун, яъни Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаларини эълон қилганидан сўнг



қизалоқ яна давлат раҳбарига мактуб йўллайди (ҳар бир мурожаат ўрганиб чиқишлиги учун 15 кун муддат зарур бўлишини ҳали билмаган қизалоқ иккинчи мактубида уч кун аввал топширган биринчи хатининг тақдирини билан ҳам қизиқади). Табрик хатини ўқиймиз: "...Ваъда берганимдек, барчамиз Сизга овоз бердик. Сайловдан олдин ҳам Сизга омад тилаб хат ёзганим. Ётиб бордимми? Президент бобо, Сиз учун жуда ҳам хурсандман. Нафақат мен (кувончдман), балким бутун Ўзбекистонда байрам. Мен ҳам Сиз каби билимли, ташаббускор, ғайратли бўлиб, Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга ваъда бераман. Сизни ўзим ва оиламиз номидан Президент сайловида қозонган ғалабангиз билан чин кўнгилдан табриклайман".



Албатта, бундай самимий дил изҳорларига тўла табриқномалар кўп. Айтайлик, Қорақалпоғистоннинг Кегейли тумани Гужматерек маҳалласидан Расберген Узоқов, Нукус шаҳри Халқлар дўстлиги маҳалласидан Элмира Қорабоева, Фарғона вилояти Сўх тумани Девайрон маҳалласида яшовчи Қамбарали Ҳожиқурбонов, Қува тумани Санотчилар маҳалласидан Жамилахон Абдураимова, Жиззах вилояти Дўстлик тумани Манас маҳалласидан Жалил Кенжаев, Зомин тумани Улуғбек маҳалласидан Музаффа Сиддиқова, Фориш тумани Осмоний маҳалласидан Зарифа Умурова, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри Камолот маҳалласида яшовчи Зиёда Раҳимова, Яқкабоғ тумани Мустақиллик маҳалласидан Баҳодир Норбоев, Хоразм вилояти Шовот туманидан Умиджон Аллаберганов, Ҳазорасп тумани Темирчи маскани маҳалласидан Гулноза Шарипова, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Каттахайт маҳалласидан Резеда Аҳмедшина, Сарисий тумани Турмушобод маҳалласидан Дилором Ҳамзаева, Сирдарё вилояти Ширин шаҳри Фарход маҳалласидан Шавкат Султонов, Оқолтин тумани Саховат маҳалласидан Ситора Қувнова, Андижон вилояти Олтинқул тумани Айрончи маҳалласидан Баҳодир Ҳақимов, Наманган вилояти Поп тумани Уйғур маҳалласидан Хайридин Усмонов, Бухоро шаҳри Зарафшон маҳалласидан Меҳрождидин Саидов, Навоий вилояти Фозгон шаҳарчаси Шайхон маҳалласидан Камола Зибдуллаева, Самарқанд вилояти Иштихон тумани Минглар маҳалласидан Элдор Холмуродов, Тошкент вилояти Олмалик шаҳри Мирзо Улуғбек маҳалласидан Ойниса Абдиева, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Қўрқам маҳалласидан Жанна Аюкова, Янгиҳайт тумани Чорбоғ маҳалласидан Гулчеҳра Набиулина каби минглаб юрдошларимизнинг табрик ва миннатдорлик мактубларида ўтган олти йилда мамлакатимизда рўй берган тарихий ўзгаришлар, одамларнинг реал ҳаётидаги янгиликлар боис, давлатимиз ҳаёти Президент сайловида ёрқин ғалабага эришгани аниқ мисоллар билан эътироф этилиб, бу инсонпарвар, халқчил ва адолатли исплохотлар янги босқичи ҳам муваффақиятли амалга ошишига катта умид-ишонч билдирилган.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари номига йўлланган мактублар билан танишар эканмиз, юртимизнинг турли ҳудудларида яшайтган, ҳар хил соҳа ва тармақларда меҳнат қилаётган ватандошларимизни янги Ўзбекистоннинг бугуни ва келажига бўлган қатъий ишонч, Президентимизга чекисиз меҳр, юксак ҳурмат ва кучли садоқат туйғуларини бирлаштириб турганига амин бўлиш мумкин. Шунда асрлар синовида ўтган қойим ҳақиқатлардан бири онгқалбимизда жаранг сочади: халқим деган инсонни эл-юрт доим қўллайдди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси маълумотлари асосида УМИД ЁҚУБОВ тайёрлади.

"МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ" ФОРМАТИ

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА МИНТАҚАЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ

Бошланиши 1-бетда

Шу нуқтаи назардан, ташкилотга аъзо давлатлар билан ушбу соҳалар, шунингдек, илмий йўналишда ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ва фаоллаштириш жуда муҳим ҳисобланади. Марказий Осие ва араб давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражаси, аслида, янгилик эмас. Ушбу алоқалар тарихнинг барча даврларида мавжуд бўлган. Бироқ турли омиллар, жумладан, тарихий, сиёсий, мафкуравий ва бошқалар туфайли улар ҳозиргидек яқин кечмаган.

Қўрфаз давлатларининг иқтисодий ривожланиши, молиявий ва сармоявий салоҳияти шароитида САУДИЯ АРАБИСТОНИ, БАА, ҚАТАР, КУВАЙТ, БАХРАЙН ВА ЎМОН ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЖАҲОНДАГИ МУҲИМ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР СИФАТИДАГИ РОЛИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ЎЗ НАВБАТИДА, "МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КАДҲҚ" ФОРМАТИГА БЎЛГАН ИККИ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ҚИЗИҚИШИ ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИ ЎРИНИНГ ЭҒАЛЛАЙДИГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАМ ОРТИБ БОРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БERAДИ.

стратегик мулоқотининг биринчи йиғилишида иштирокчилар умумий кадрятлар ва ўзаро манфаатларга асосланган кучли ҳамда истиқболли шериклик ва халқлар ўртасидаги чуқур тарихий алоқалар, мавжуд сиёсий ва иқтисодий кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга қатъий тайёр эканликларини билдирди.

масалалари, иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш, шунингдек, ишбилармон доира вакиллари ўртасида самарали ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича 2023-2027 йилларга мулжалланган стратегик мулоқот ва ҳамкорлик бўйича Қўшма ҳаракатлар режасини тасдиқлади.

Айни пайтда Ўзбекистон ташкилотга аъзо давлатлар билан барча соҳаларда алоқаларни фаол ривожлантирмоқда. Олий ва юқори даражадаги таширфлар алмашилляпти. Хусусан, жорий йилда Қатар Амри шайх Тамим бин Хамад Ол Соний давлат таширфи билан мамлакатимизга келди. 2019 йил март ойда давлатимиз раҳбарининг БАА ва 2022 йилда Саудия Арабистонига расмий таширфлари бўлиб ўтди.

Бунда сиёсий маслаҳатлашувлар механизмидан фойдаланиш, шунингдек, Саудия Арабистони, БАА, Уман ва бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар йўналишлар бўйича Ҳуқуматлараро қўшма комиссиялар ишини фаоллаштириш кўп жиҳатдан ёрдам бериши мумкин.



## ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ



OpenBudget

O'zbekiston Respublikasi  
"Ochiq Budget" Portali

# ҒОЛИБ БЎЛИШ УЧУН 1,5 МИНГ ОВОЗ ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
иқтисодий шарҳловчи

Бу йилги овоз бериш жараёнида 8 миллион 93 минг 918 фуқаро иштирок этди. Унинг натижаларига кўра, 517 лойиҳа ғолиб топилди. Уларни молиялаштиришга 412 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.



Бошланиши 1-бетда

## ОДАМЛАРНИ УЙҒОТГАН ВА БИРЛАШТИРГАН ЛОЙИХА

Давлатимиз раҳбари шу йил 12 июнь куни Президентликка номзод сифатида Нукус шаҳрида ўтказган сайловолди учрашувида маҳаллалар учун "Очиқ бюджет" имкониятлари янада кенгайтирилиши ва унга ажратиладиган маблағ уч карра оширилишини билдирар экан, энди "Очиқ бюджет" лойиҳалари ғолиби бўлиши учун 1,5 минг овоз етарли бўлиши ва ушбу мақсадлар учун йил якунига қадар яна 1,2 триллион сўм ажратилишини маълум қилди.

Бу жараёнлар 2019 йилдан буён Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг "Очиқ бюджет" порталидаги "Ташаббусли бюджет" бўлими орқали амалга ошириб келинган. Ушбу электрон тизим ёрдамида фуқаролар маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, хибонлар, болалар ва спорт майдончалари, ички йўллар куриш, уларнинг ёритилишини таъминлаш, боғча, мактаблар куриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш каби масалалар бўйича лойиҳаларни таклиф этиб, овоз бериш йўли билан маҳаллий бюджетнинг тақсимланишида иштирок этиши учун имконият яратилган.

Шу уринда бир таққос: мамлакатимиз аҳолиси 36 миллиондан ортиқ бўлса, уларнинг 20 миллиондан зиёди овоз бериш ҳуқуқига эга. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотига кўра, "Ташаббусли бюджет"нинг жорий йил биринчи мавсумида 16 миллион 129 минг 764 фуқаро овоз беришда қатнашган. Бу юртимиз аҳолисининг қарийб 45 фоизидир.

Агар 2021 йилда ўтказилган овоз бериш жараёнида 1,1 миллион фуқаро қатнашган бўлса, 2022 йилнинг дастлабки мавсумида улар сони 6,7 миллиондан зиёдрок бўлган эди. Демак, жорий йилнинг мос даврида иштирокчилар сони қарийб 9,3 миллионга ошган. Бу аҳолининг "Ташаббусли бюджет"дан жой олган лойиҳаларга дахлдорлиги, жараённинг ҳолис ва ошқора ўтиши, ғолиб таклифлар қисқа муддатда амалга оширишга бўлган катта ишончининг яққол намоёнидир.

Таҳлилчилар фикрича, сўнгги 30 йилда мамлакатимизда аҳолини бунчалик даражада қамраб олган ижтимоий воқеялик кузатилмаган.

"Очиқ бюджет"нинг 2023 йилги биринчи мавсумида 55 минг 970 та таклиф илгари сурилган. Уларнинг 33 минг 680 таси ҳудудий ички комиссиялар томонидан саралаб олинди, овоз бериш босқичига ўтказилди. Энг кўп овоз олган 1 минг 666 лойиҳа ғолиб топилди.

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 апрелдаги "Ташаббусли бюджет"лаштириш амалиёти янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан тизимга оид қатор вазифа ва қоидалар белгиланди, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азим Ҳасанов. — Жумладан, 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 1 минг 309 лойиҳа учун ҳам қўшимча равишда 1,3 триллион сўм ажратилади. Бу 4 миллиондан ортиқ аҳоли кўтарган масала ечимини топди, дегани. Шундай қилиб, ғолиб лойиҳаларга бюджет маблағлари ҳисобидан жами 2,9 триллион сўм йўналтириладиган бўлди.

2023 йил биринчи мавсумда ғолиб топилган 2 минг 975 лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши қатъий назоратга олинган. Бунда жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш сўнгги муддати этиб жорий йилнинг июль, қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳаларни бажаришнинг сўнгги муддати этиб август ойи белгиланган.

Ташаббусли бюджетлаштириш жараёни доирасида бюджет ташкилотлари раҳбар ходимлари томонидан мажбурий овоз йиғиш бўйича ходимларга

топшириқ бериши тақиқланган. Мажбурий овоз йиғишга мажбурлаш тегишли ташкилот ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланади.

соғлиқни сақлаш, спорт муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича ҳар бири 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган лойиҳалар тахлили ўтказилиб, 2024 йил учун бюджет сўровида уларни таъмирлаш, жиҳозлаш ва харид қилиш

**“** **Жорий йил 7 май куни “Менинг йўлим” лойиҳасининг 2023 йилги мавсумига овоз бериш жараёни якунига етди. Ушбу мавсум учун 10 минг 317 та ташаббусли таклиф келиб тушди. Ўтган йили худди шу жараёнда 9 минг 212 лойиҳа илгари сурилган эди.**



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтидан маълум қилишларича, ғолиб лойиҳаларнинг асосий қисмини умумтаълим мактаблари, ички йўллар, соғлиқни сақлаш ва мактабга-чатаълим ташкилотларини таъмирлашга оид таклифлар ташкил этди. Жумладан:

- умумтаълим мактаблари — 1 минг 335 та ёки 44,5 фоиз;
- ички йўллар — 629 та ёки 20,9 фоиз;
- соғлиқни сақлаш муассасалари — 370 та ёки 12,3 фоиз;
- мактабга-чатаълим ташкилотлари — 176 та ёки 5,8 фоиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, таълим

ҳаражатларини рўйхатга киритиш кўзда тутилган. Бу аслида 34 мингта лойиҳа келгуси йил бюджетини шакллантириш учун тайёр таклиф, дегани. Бунинг натижасида 164 та мактаб, 30 та боғча ва 32 та тиббиёт муассасасида таъмирлаш, жиҳозлаш ва бошқа ишлар учун 304,6 миллиард сўм қўшимча маблағ йўналтирилади.

## “ОБОД ҚИШЛОҚ”, “ОБОД МАҲАЛЛА” ВА “МЕНИНГ ЙЎЛИМ” ЛОЙИҲАЛАРИ

Президентимизнинг ўтган йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни



молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан 2023 йилдан бошлаб “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқлашни назарда тутилган. Бунинг учун овоз бериш жараёни ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади. Таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳа пакети шаклида овозга қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил май ойи бошида эълон қилинган қарори билан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёни орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ҳам қабул қилинди.

ўтказиб берилади. Ҳар йил якунлари бўйича жамоатчилик фикри асосида лойиҳаларни шакллантириш билан боғлиқ жараёнда фаол иштирок этган фуқаролар рағбатлантириб борилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги “Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Менинг йўлим” лойиҳасини молиялаштиришнинг аниқ тизими жорий этилди. Унга асосан, 2022 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетни параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган лойиҳаларни таъмирлашга йўналтирилиши қатъий белгилаб қўйилди. Бу жараён бир йилда бир мартаба ўтказилади.

— Мазкур жараёнда ахборот порталига ички йўлларнинг жойлашган манзили (геопозицияси), тўлиқ номлари, узунлиги, ҳолати (асфальтланган, таъмирлаб) ва бошқа маълумотлари тўлиқ киритилади, — дейди Азим Ҳасанов. — Портал автоматик равишда таъмирлашга доир ўртача нархни ва туман (шаҳар) бюджетни параметрларидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудуддаги таъмирланадиган ички йўлларнинг умумий ҳажмини аниқлайди. Уларни таъмирлашга доир таклифлар киритиш фуқаролар томонидан ахборот порталида тақдим этилган йўллардан бирини танлаш орқали амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ички йўлларни таъмирлашга фақат битта таклифни илгари суриши ва битта таклифга овоз бериши мумкин.

Жорий йил 7 май куни “Менинг йўлим” лойиҳасининг 2023 йилги мавсумига овоз бериш жараёни якунига етди. Ушбу мавсум учун 10 минг 317 та ташаббусли таклиф келиб тушди. Утган йили худди шу жараёнда 9 минг 212 лойиҳа илгари сурилган эди.

Бу йилги овоз бериш жараёнида 8 миллион 93 минг 918 фуқаро иштирок этди. Унинг натижаларига кўра, 517 лойиҳа ғолиб топилди. Уларни молиялаштиришга 412 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Амалдаги низомга мувофиқ, ғолиб деб топилган лойиҳалар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ушбу таклифларни илгари сурган фуқаролар жалб қилинган ҳолда ишлаб чиқилади. Уларни амалга ошириш бўйича ички йўлларни лойиҳалаштириш, таъмирлашда туман (шаҳар) ободоналаштириш босқирмалари буюртмачи вазифасини бажаради.

Йўл куриш ва унинг ободлигини таъминлаш савобли иш. Чунки бу вазифа инсон қадр, эл розилиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, жойларда ички йўлларни таъмирлаш бўйича мавжуд муаммолар айнан фуқароларнинг талаб ҳамда таклифлари асосида ҳал этилиши уларнинг сифатли ва раван, манзилларнинг яқин бўлишига хизмат қилади.

Сўнгги уч йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 9 минг 500 маҳаллага 57 триллион сўм ажратилди. Бу маблағ ҳисобига 3 минг 500 маҳаллада ички йўллар, яна шунчасида боғча, мактаб ва шифохона таъмирланди. 1 минг 19 маҳаллада ичимлик ва оқова сув таъминоти яхшиланиб, 452 таси замонавий қиёфага келтирилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департамент директори Шерзод Муҳаммедовнинг қайд этишича, бу йил маҳаллаларга ажратилаётган маблағ кўлами 25 триллион сўмга етказилиши, “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида ўтган йилдаги қараганда бюджетдан 3,5 баробар кўп — жами

8 триллион сўм йўналтирилиши кўзда тутилган. Шундан 2 триллион сўм “Ташаббусли бюджет” жараёнлари учун туман ва шаҳар бюджетларидан ажратилиши, 4 триллион сўм “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилиши мўлжалланган.

Одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 2023 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетни қўшимча маблағларнинг 30 фоизи ҳам фуқаролар фикри асосида йўналтириладиган бўлди. Бунгача бундай талаб фақат туман-шаҳарлар бюджетига тааллуқли эди. Энди маҳаллий бюджетлар томонидан ажратилган қўшимча маблағ сонибига 1,7 триллион сўм Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига ўтказилади.

“Очиқ бюджет” лойиҳалари кўлами тобора кенгайиб, унинг ҳар бир жараёнига ажратилаётган маблағ миқдори ҳам ортиб бораётти. Тўғри, бу жараён айрим муаммо ва камчиликлардан ҳам холи эмас. Уларни ҳал этиш замонавий технологиялардан оқилон фойдаланиши ва доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Хусусан, ўтган давр мобайнида фуқаролар томонидан турли телефон рақамлари билан порталдан рўйхатдан ўтиб, “Фойдаланувчилар” захирасини шакллантириш ва кейинчалик ушбу ақваултарни ишга солиш асосида сунъий равишда овозлар сонини кўпайтириш ҳолати кузатилган эди.

Шундай ҳолатларнинг олдини олиш ва жараённинг ҳаққоний ўтказилишини таъминлаш мақсадида овоз бериш имконияти фақатгина СМС хизмати орқали ва рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар томонидан овоз берилишида ҳам уларнинг телефон рақамларига юборилган СМС-хабарнома билан амалга оширилиши йўлга қўйилди. Бунда барча овозлар реал вақт режимида ва ҳақиқатан амалда бўлган (ишлаб турган) телефон рақамлари орқалигина амалга оширилади. Натижада фуқаро ҳар бир жараёнда битта таклиф киритиш имкониятига эга бўлади.

Энг муҳими, аҳолининг “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига ва унинг шаффофлигига ишончи катта. Бу лойиҳа қисқа фурсатда фуқаролар манфаати ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизми асосида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш воқеасига айланди. Натижада қишлоқ ва маҳаллаларда узок йиллар давомида ҳал этилмаган келган ижтимоий муаммолар қисқа муддатда ечимини топишти, ҳамжихатликка кўтарилган ва овоз берилган таклифлар самарасидан баҳраманд бўлиняпти.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда “Бизнинг таърихида бу ҳам биринчи марта ва жуда катта ижобий натижа берапти. Одамлар шу жараёнларда бевосита ўзлари иштирок этапти... Энг муҳими, одамлар бундай лойиҳаларга дахлдор бўлиб, бунёд қилинган инфратузилмадан фойдаланиб, уларни асраб-авайлаб фойдаланяпти”, деган эди.

Ҳа, шундай. Аҳоли ўз ҳудуди, яшаб турган жойи ободлиги учун масъулиятни ҳис қиляпти, яхши яшаш йўлида фаол фуқаролик позициясини ишга соляпти. Тадқиқотчилар таъбири билан айтганда, бу жараёнда одамлар ўз манфаати учун эмас, халқ манфаати учун бир тану бир жон бўлиб рақобатлашапти. Инсонлардаги бирдамлик, жипслик эртанги кунга бўлган ишончини оширяпти.

Фикр эркинлиги инсонлар тафаккурини юксалтириб, юрт ободлиги, эзгу ишларга дахлдорлик туйғусига қанот беради. Шу маънода, “Ташаббусли бюджет” ҳам маҳаллий бюджет маблағларининг аҳоли томонидан овоз бериш йўли орқали йўналтирилишида, қолаверса, улар ҳамжихатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этапти. Шу боис, эришилган ютуқнинг қадр-қиммати сарбаланд, ифтихорли.

Хана, мазкур лойиҳанинг шу йилги иккинчи мавсумига ҳам шарт берилди. Долзарб таклифларни илгари суриб, ҳамжихатликка ҳаракат қилганлар, албатта, ғолиблар сафида бўлади. Бир ярим минг овоз тўплаш орқали қанчадан-қанча боғча, мактаб, шифохона таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланади, спорт майдончалари ишга тушиди, қишлоқ ва маҳаллаларга тоза ичимлик сув келади, юзлаб километр йўл обод ва чарогон бўлади...

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz\_official

yuz.uz\_news

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ



Олисларда ҳам она юрт билан биргамиз

Шаҳзода ТОШМАТОВА
АҚШ, Нью-Йорк штати

Бошланиши 1-бетда

Бу туйғу — соғинч, бу туйғу — киндик қони тўқилган она заминга муҳаббат ҳисси. Айниқса, ўзбек фарзанди борки, Ер юзининг қаерида бўлмасин, доим ўзбекиликдан ғурурланади, минглаб километр олисларда ҳам қалбдан шу юртга талпинаверади. Бунга ўз ҳаётим мисолида гувоҳ бўлиб келяпман.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бундай роликлар Нью-Йоркнинг аҳоли гавжум кўчаларидаги катта экранларда ҳам тез-тез намоиш этилади. Ҳар гал ана шу лавҳаларни кўрганимда, фахр ҳиссини туюман. Юртимиз туризми тарихотида иштирок этаётганимдан ғурурланаман.

Видеороликларимни доим миллий либосларни кийган ҳолда оламан. Фарзандларимга ҳам атлас, адрас матолари кўшиб тикилган либослар кийдиришга ҳаракат қиламан. Бундай видеоларлар тайёрлаш энг сеvimли машғулотларимдан бири. Мухими, уларнинг бари табиий, кундалик ҳаётимиздан келиб чиқиб олинади. Гап шундаки, оиламизда миллий урф-одат, анъаналаримиз доим устувор. Фарзандларим ҳам инглиз, ҳам ўзбек тилида эркин гаплашади.

Ўзбекистонга бир йилда икки мартаба бориб тураман. Очиғи, сунги йиллардаги ўзгаришларни кўриб, хайратга тушаман. Ҳар гал борганимда юртимизнинг янги манзилига саёҳат қиламан. Чунки унинг чекка ҳудудлари ҳам

ривожланиш шиддати юқори ва замонавий шаҳарларниқадан қолшимайдиган тараққиётни ҳис этиш мумкин. Қолаверса, тарихий обидаларга бой. Дунёда замонавий ва қадимий биноларни ўз ичига олган бундай гўзал диёрлар кам.

Ана шу ривожланишлар билан бирга, мамлакатимиз туризм салоҳияти ошиб бораётгани ҳам қувонарли. Маълумотларга кўра, шу йилнинг биринчи чорагидаёқ 2,6 миллион хорижлик Ўзбекистонга туристик мақсадда келган. Ҳақиқатан, чет элликлар орасида юртимизга қизиқувчилар сони ортиб борапти. Америкаликлар ҳам миллий урф-одатларимиз, либосларимиз, маданиятимизга қизиқади. АҚШнинг деярли барча штатида ўзбек рестороанларини учратишингиз мумкин ва қизиги, бу ердаги хўрандаларнинг асосий қисми америкаликлар. Янада ажабланарлиси, улар ҳам ўзбек паловини худди биз каби севиб истеъмол қилади.

Бу ердаги кўп танишларим Ўзбекистон ҳақида сўрайди ва ушбу гўзал диёрга саёҳат қилиш истаклари борлигини айтиди. Уларнинг кўпини сайёҳ сифатида ҳам олиб борганман ва доим илиқ ҳамда самимий миннатдорлик фикрларини эшитаман. Мамлакатимизга бориб қайтган бошқа сайёҳлар билан ҳам сўхбатлашганимда, ўзбекларнинг бағридангиллиги, меҳмондўстлигидан таъсирланиб гапирди. Миллий одатларимиз, либосларимиз, пахта гулли чой-нак-пиёлапар, метродаги ўзаро ҳурмат уларда алоҳида қизиқиш уйғотади.

Эсимда бор, бир кун Америкада истиқомат қиладиган франциялик аёл мендан "Қаерликсан?" деб сўради. "Ўзбекистонданман", деганимда, бирдан кўзлари порлаб кетди. "Уша ўлгага яна бир марта борсам, армоним йўқ", деди. Яна, афсонавий юртга ўхшатишини, фақат эртақлардаги бундай содда ва самимий инсонлар бўлишини айтиб, кулиб кўйди.

Бундай гапларни эшитганда, чиндан, Ўзбекистон жаннатмонанд юрт эканига амин бўламан. Биз қанчалик бошқа диёрларга "учишга" интимайлик, доим она Ватанга талпинаверишимиз боиси ҳам шундан бўлса керак. Американинг барча штатларида кўплаб ватандошларимиз яшайди. Ва улар доим бир-бирини қўллаб-қувватлашига гувоҳ бўламан. Хорижда яшаётган ҳар бир ўзбекингиз кўзида Ватан соғинчи бўлади. Шу боис, Америкада бўлишимизга қарамай, миллий байрамларимизни кўпчилик бўлиб, шу ердаги юртдошларимиз билан бирга нишонлаймиз. Ҳатто бир-бирини танимаса ҳам, ўзбек ўзбекка ҳар қандай ҳолатда ердан беради, қўллаиди.

Америкадаги Ўзбекистон элчихонаси фаолиятини ҳам юқори баҳолайман. Юртдошларимизга ҳар қандай масалада тезкор кўмак беришади. Улар томонидан саяёҳликни ривожлантириш борасида кўп ишлар, самарали лойиҳалар амалга оширилляпти. Ана шундай лойиҳалар орқали юртимизни дунёга танитишда биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз ва бунга доим тайёризим.

Оиламиз билан 12 йилдан буён АҚШнинг Нью-Йорк штатида истиқомат қиламан. Утган йиллар давомида Америка коллежларидан бирида ўқиб, тиббиёт соҳасида ишлаб келяпман. Бу ерга осон мослашдик. Аммо америкаликка айланиб кетмадик. Биз қаерда бўлмайлик, ўзбекмиз ва доим шундай бўлиб қоламиз.

Ҳар гал юртимизда кечаётган жараёнлар, янгиланишларни кузатиб, олисдан туриб бўлса-да, уларда иштирок этганимизда бунга яққолроқ ҳис қиламан. Жорий йилнинг 9 июль кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида ҳам оиламиз билан қатнашиб, Шавкат Мирзиёевга овоз бердик.

Биз каби юртдошларимиз дунёнинг турли жойларида кўплаб топилади. Улар Ватан тақдирига бефарқ эмас. Худди шундай, Ўзбекистон ҳам хорижда яшаётган фуқароларини доим қўллаб-қувватлаб келаётганига гувоҳ бўляпман. Айниқса, охири йилларда бу жараён фаоллашгани кўзга ташланади.

Президентимиз ўз лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган нутқида ҳам чет элдаги ватандошларимиз билан алоқалар янада мустаҳкамлашни таъкидлагани бунинг исботи. "Ўзбекистон фуқаролари дунёнинг қайси ўлкаси ёки минтақасида бўлмасин, қонунларимиз ҳимоясида бўлади", деди давлатимиз раҳбари.

Бу сўзлар хорижда яшаётган ватандошларимизга янада куч бериши шубҳасиз. Қолаверса, ҳамкорликни ошириш фақат ривожланишга, Ўзбекистон туризмининг тарғиб қилиш имкониятлари кенгайишига олиб келади. Яъни чет давлатдаги юртдошларимиз мамлакатимиз туризмининг намоён этишида қатнашиши мумкин. Шаҳсан ўзим ана шундай лойиҳалардан бирининг иштирокчисиман. Ўзбекистон туризми тасвирланган видеоларларини ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимга жойлаб бораман. Ҳозирги кунда бу тармоқларда ярим миллиондан ортиқ обонучим бор ва улар орасида Ўзбекистонга қизиқувчилар жуда кўп. Шунинг учун юртимиз туризми, ўзбек миллий анъаналари, маданиятига оид видеолар кўпчиликка манзур бўлади.

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

Муштарий МАДРАҚИМОВА, Буюк Британиядаги Оксфорд университети магистранти, "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендианти

Энг қадимий ва нуфузли таълим даргоҳларидан бири, дунё ОТМ рейтингларида 7 йилдан буён биринчиликни қўлдан бермай келаётган Оксфорд университетида тахсил оляпман. Бу нуфузли даргоҳда ўқиш болаликдаги орузум эди. Яқин йилларга қимдир бу ниятинг амалга ошади, деса ишонмасдим. Чунки бу ерда не-не инсонлар ўқиганини яхши билардим. Утган йили "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендианти бўлишимни аниқлашди. Ушундан кўнунча қувончмимни сўз билан таърифлай олмайман.



Мутахассислигим ҳуқуқшунос. Бу ерга келишимдан аввал юртимиздаги Коррупцияга қарши курашиш агентлигида ишлаганман. Ҳозирги ўқишим ҳам ишлаган соҳам билан боғлиқ — давлат сиёсати ва бошқаруви йўналишида. Ушбу йўналишни таълашдан асосий мақсад мамлакатимиздаги қизгин ислохотларга муносиб ҳисса қўшишдир. Яқинда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида "Мана, сафимизга юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олий-гоҳларда ўқиган, йирик компанияларда ишлаган қанча-қанча салоҳиятли ёшлар кириб келмоқда. Мен уларнинг тимсолида, аввало, эртанги кўнмининг янги раҳбарларини, худуд, тармоқ ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчиларини кўраман", деган гапини эшитиб, ниятим янада қатъийлашди. Бу қанотли сўзлар чет элда таълим олаётган мен каби юзлаб ватандошларимизни руҳлантиргани шубҳасиз. Юрагимизда бор билим ва тажрибамизни Ватанимиз равнақи учун сарфлаш иштиёқи аланга олди.

Айни пайтда маъмурий ислохотлар, коррупцияга қарши курашиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича ўзим билмаган янги-янги маълумотлар ўрганапман. Хусусан, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш бўйича билимимни оширяпман.

Оксфорд ўқув ҳудудида талабалар учун маъруза заллари, лабораториялар, илмий марказлар, ўқув, IT ва медиа, мустақил ўқиш ва дам олиш хоналари мавжуд. Турар жойларда яшаш учун барча шароит яратилган. Парк ҳудудида хордик чиқариш учун қулай муҳит бор. Педагоглар жамоаси жуда салоҳиятли. Ҳуқуқчилар ҳам амалиёт, ҳам назария борасида етарли билим ва тажрибага эга. Ўқишга кирганимдан буён фақат назария ёки амалиёт билан чекланган бир ёқлама ўқитувчини кўрганим йўқ. Аксарияти анча йиллар соҳаси бўйича ишлаб, кейин педагоглик қилаётган ёки ҳам амалиётда ишлаб, ҳам дарс бераётган мутахассислардир. Мисол учун, илмий раҳбарим — профессор Кристофер Стоун Гарвард ва Кембриж университетлари битирувчиси. У Вашингтонда жиноят ишлари бўйича суд жамоат ҳимоячиси, АҚШ, Буюк Британия, Чили, Хитой, Ҳиндистон, Нигерия, Жанубий Африка, Туркия ва бошқа мамлакатларда адлия соҳасини ислох қилишда эксперт сифатида иштирок этган. Ҳозир профессор Стоун Жанубий Африкадаги Миллий прокуратура органини ислох қилишда экспертлик хизмати кўрсатмоқда.

Университетга ташқаридан жуда қўллаб маърузачилар жалб қилинади. Улар одатда таниқли инсонлар бўлади. Маса-

лан, яқинда Колумбия собиқ президенти Иван Дьюк маъруза ўқиди. Бизда унинг президентлик давридаги ислохотлари, фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлари ҳақида эшитиш, савол-жавоб қилиш имконияти пайдо бўлди.

ОТМда ҳар бир талабага алоҳида тўтор бириктирилади. У талаба ўқийётган йўналиш бўйича мутахассислардан танланади. Ўқиш давомида талабага тўлиқ ердан бериб боради.

Коррупцияга қарши янги лойиҳа

Бу ерда бошқа давлатдан келган кўплаб талабалар ўқийди. Аксарияти мен каби ўз юртидаги давлат ташкилотларида ишлаган. Семинарларда ватанидаги ўзига хос иш тажрибаси ҳақида гапириб беради. Бундан ташқари, давлат бошқарувини рақамлаштириш, коррупция омиллини минималлаштириш, давлат хизматини самарали ташкил этиш, аҳоли билан алоқани йўлга қўйиш каби масалаларда ўрганса аризиғулик бой тажриба мавжуд. Жараёнда халқаро ҳужжатлар, стандартлар, бошқа давлатлар тажрибасини ўрганапман. Ўзбекистонга қайтган, шу йўналишлар бўйича тақлифлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга таътиб этишни режалаштирганман.

Масалан, ҳозир ўқув дастури доирасида Transparency International UK глобал халқаро нодавлат ташкилот билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида янги тадқиқот лойиҳасини бошладим. Айни пайтда Transparency International UK мутахассислари билан ҳамкорликда тадқиқот лойиҳасини яратяпмиз. Шу ой охирида тадқиқот ишим учун маълумот йиғиш мақсадида юртимизга қайтаман. Бу жараёнда соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияни минималлаштириш бўйича тавсиялар ҳам ишлаб чиқилади.

"Хонадаги фил" нима?

Университетда ҳар бир маърузадан кейин профессор "Ушбу лекциядан ўзингиз билан олиб кетадиган жиҳатлар нима?"

ОКСФОРДГА ЕТАКЛАГАН ОРЗУ

ёхуд чет элликларда ҳавас уйғотган ғамхўрлик



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

дея хулоса қилишга икки дақиқа беради. "Elephant in the room", яъни "Хонадаги фил" — эътиборга олинмайдиган ҳақиқат ҳақида инглизча метафора. Ҳеч ким муҳожима қилишни истамайдиган аниқ муаммо ёки ҳавфни муҳожима қиламиз. Уни эътиборсиз қолдирамиз, далилларга таянган ҳолда имкон қадар шу муаммога тегишли тузилмалар диққатини жалб этиш зарурлиги хусусида фикр алмашамиз.

Бу ерда Жалолиддин Румийнинг "Қоронги хонадаги фил" фалсафасининг чўқур метафорик маъносини англадим. Алломо масалида бир неча одам қоронги хонада ўзи пайпаслаб кўрган филни тасвирлайди. Уларнинг ҳар бири филнинг фақат бир қисмини ушлаб кўриб хис қилади ва хис-туйғуларига асосланиб, фил нима экани ҳақида хулоса чиқаради.

Ҳар биримиз ўзимизнинг чекланган билим ва тажрибамизга эгамиз. Дунё ҳақидаги тушунчамиз субъектив идрокимиз билан чекланиши мумкин. Биз ҳақиқатнинг фақат бир қисминни кўришимиз ва шу асосда ҳақиқат ҳақидаги ғоғамизни шакллантиришимиз мумкин. Румий бизни ушбу чекловдан хабардор бўлиш ва бошқаларнинг турли нуқтаи назари ҳақида тажрибаси учун очиб бўлишга ундайди. Оксфорддаги таълим муҳити ҳам бизни шунга ўргатапти.

Ҳар бир инсоннинг ўзига хос тажрибаси ва дунёни идрок этишини англаб, камтар бўлишга ҳаракат қилишимиз зарурлиги, янада уйғун ва тушунадиган жамият яратиш учун ҳамкорлик қилиш ва бошқа нуқтаи назарларни ҳурмат қилишни ўргандим. Семинарлардаги машғулотлар масалани туб моҳиятига етиш, тўғри ечим бериш кўникмасини шакллантиради. Масалан, яқинда Халқаро валюта жамғармаси томонидан Гана давлатига қарз бериш жараёнини бевосита кузатдик. Гана молия вазир, Халқаро валюта жамғармаси вакилларига аудиториямизда саволлар бердик. Бу барчамиз учун жуда катта тажриба бўлди.

Очиқ мулоқот ва янги билим олиш имкони

Оксфорддаги миллий хилма-хиллик ҳар кун турли миллат вакиллари билан мулоқот қилиш ва янги билимлар олиш имконини беради. Битта парадокс: баъзида курсдошлардан профессорлардан, маърузалардан кўра, кўпроқ билим ўрганиш мумкин. Бунинг сабаби шунки, мен ўқийдиган факультетда 55 давлатдан келган 144 курсдошим илмий баҳс пайтида муайян мавзу бўйича 55 хил фикрни

НУҚТАИ НАЗАР

Мамлакатимизда бўлиб ўтган мuddатидан илгари Президент сайловида халқимиз яна бир бор ўз муносиб танловини амалга оширди. Мазкур сиёсий жараёнда, айниқса, ёшларнинг жуда фаол бўлгани кузатилди.

Жўшқин АВЛОД РУҲИ

Феруз ҲАКИМОВ, Тошкент давлат иқтисодийёт университети талабаси



Кейинги йилларда юртимизда ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ҳар томонлама эътибор кучайди. Бу борадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари қонунчилик базаси асосида мустаҳкамланди. 30 июнь — Ёшлар кунини деб эълон қилинди ва ҳар йили муносиб тарзда нишонланганидан бўлди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажақ бунёдкори" медали таъсис этилди. Буюк давлат арбоби Амир Темурунинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, ҳарбий академик лицейларга "Темурбеклар мактаби" номи берилди. Бундан ташқари, олий ўқув юртиларига кириш ва олий таълим олиш борасида қатор янгилликлар, енгилликлар жорий этилди.

Конституцияимизнинг янги таҳририда ҳам давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши белгиланди. Ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, таълим олиши, соғлигини сақлаши, ўй-жойга эга бўлиши, ишга жойлашиши, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратилиши Бош қонунда белгилаб қўйилиши ҳар биримизга ғурур бағишлади.

Президентимиз ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳам ёшларга алоҳида эътибор қаратди ва "Халқимиз, Ватанимиз сизларга ишонди. Сизлар Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган буюк ишларни амалга оширишга қодирсиз. Ёшлик — ғанимат, вақт — ғанимат, фурсат борида отни қамчиланг! Давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етинг! Дунёга ўз сўзингизни айтинг!", дея бизни янги марралар сари илҳомлантирди.

Мана шу каби буюк ишонч, яратилган кенг имкониятлар, эътибор ва ғамхўрлик ушбу Ўзбекистон ёшларини жамиятда янада фаол бўлишга қорламақда. Пировардида, бугун мамлакатимизда фидойи, ватанпарвар, ислохотларга дахлдорлик ҳисси жўшқин ёш авлод қатлами шаклланиб, улар ҳар жаҳада давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашга тайёргилини билдирмоқда.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

шакллантиради ва барча фикрлар илмий ёки тажрибада асосланган бўлади.

Бошқа мамлакатлар маданиятини ҳам ўргандим. Сабаби, бу ерда жуда кўплаб миллий байрамлар ташкил қилинади. Албатта, иштирок этиб, уларнинг фарқли жиҳатини қизиқиб ўрганиш имкони бўлади. Нега айнан урф-одатларни ўрганишимиз, деган савол туғилади. Турли миллат вакилларининг қадрияти, урф-одатларини яхши билган сиёсатчи ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатда глобал сиёсий ғояларни ишлаб чиқа олади, деган фундаментал қараш бор. Шунинг учун талабалар бир-бирининг урф-одатларини, қадриятларини ўрганишга ҳаракат қилади. Масалан, Африка, Америка, Осиё давлатларидан келган талабаларнинг урф-одатларига бағишланган байрамлар ўтказилди. Узим ҳам Наврўз байрамини ташкиллаштирдим. Маданиятимиз ҳақида тушуна беришга ҳаракат қилдим. Қадриятларимиз билан университетдагиларни яқиндан таништирдим.

Мендан режаларим ҳақида сўрашса, биринчи навбатда, юртимга қайтиш, дейман. Чунки Оксфордга келган кўплаб талабалар шу ерда қолишга интилади, мен эса юртимни соғинаман. Бу ўқишим давлат томонидан молиялаштирилгани учун эмас, балки олма-оанам, яқинларим ёнида бўлишни, элитизмга хизмат қилишни хоҳлайман. "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиатларини, умуман, чет элда билим олиб, тажриба орттираётган ўзбекистонликларни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" самолётларидаги хумо қушига ўхшатишган пайтлари бўлган. Қушининг назари орқанда. Биз ҳам ривожланган давлатларда таълим олишга интилсакда, нигоҳимиз, қалбимиз орқанда — Ўзбекистонда. Шу сабаб юртимизга қайтиб, давлат секторига фаолиятимиз давом эттириш — энг катта мақсадим.

Курсдошларимда биз, ўзбекистонлик талабалар учун яратилган шароит, давлатнинг молиявий ва маънавий кўмаги ҳавас уйғотди. Нахотки давлат ҳамма ҳаракатларни қопласа, деб ҳайрон қолишди. Шу сабаб келгусида элимиз билдирган ишончнинг оқлаш ва давлат секторига кириш, хусусан, коррупцияга қарши курашиш, ҳалолликни таъминлашга интилиш асосий мақсадларимдан. Бунинг учун тадқиқотлар ўтказишни мақсад қиламан. Чўқур изланишлар олиб бориш, фикрларни ўрганиш орқали маълумотлар йиғиб, далилларга асосланган тақлифларни ишлаб чиқишни истайман. Шу амалиёт орқали давлат секторига ҳалоллик, очкичлик ва самарали бошқаруви таъминлашдаги ислохотларга ҳиссамни қўшаман.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official

МУЛОҲАЗА

# Меърифатчилик — Тўқинликка хиёнат



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

### Ҳар нарсанинг уволи бор...

Ҳар дам олиш кун тонгда келиб, сут-қатик сотиб кетадиган аёлдан дарак бўлавермаган, уни излаб кўчага чиқдим. Ён-атрофда кўринмагани учун сал нарироқдаги кўп қаватли уй олдида бордим.

Шу пайт рўпарамдаги уй йўлагидан 35 ёшлар атрофидаги кўликка аёл чиқиб келди ва кўлидаги ичи тўла пакетларни шундоққина йўл четига ўрнатилган чиқиндихона кутилари томон улоқтирди. У отан пакетлардаги нарсалар ҳар томонга ёйилиб кетди. Не кўз билан кўрайки, қоғоз уюмлар, латта-путта ва турли чиқиндилар билан бирга нон бўлақлари, турли хил пиширдиқ ва мевалар ҳам ерга битта бўлиб сочилди.

— Ҳой синглим, нега махсус кутигамас, ерга ташлаб кетяпсиз, ахир нон бўлақлари учун махсус идиш кўйилган-ку, — дедим овозимни сал баландлатиб. У эса афтини буриштирди-да: — Эй, нима ишингиз бор, бир камим энди сизга ҳисоб беришим қолувди. Керак бўлса, ўзларингизни йиғиб олиш, нон бўлағи эмис, шунчаллик ақли бўлсангиз териб олинг, — дея жаҳл билан ортига бурилиб кетди. Кўз ўнгимда эса бежиримгина кийинган, чиройлигина аёл ва унинг жуда хушқилими қотиб қолди.

Наҳотки, нонни ахлатга ташлайдиган даражага етиб келдик? Нафақат нон, балки тириклик рамизи бўлиши сув, уйимиз ва кўчаларни чароғон қилиб келаятган электр энергиясини ҳам бесамар сарфляяпмиз. Энг ачинарлиси, азиз неъмат саналимиш ноннинг бугун ахлат уюмлари орасида пайдо бўлишига ҳам оддий ҳолдай эътиборсиз қараша ўрганб қолдик. Ноннинг ушоғини ташлаш ҳам гуноҳлигини била туриб, нега одамлар уволдан кўрмай қўйди, деган саволга жавоб топиш илҳижда Тошкент шаҳридаги бир нечта чиқиндихоналарга бордик ва

яна аянчли ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик. Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида замондошларимизнинг исрофгарчилик ва унинг олдини олиш борасидаги фикрлари билан қизиқдик. Уларнинг ўтмишлари, кечмишлари, тавсиялари ва сўзларини ҳеч бир ўзгаришсиз қоғозга кўчирдик ҳамда сизларга ҳам илҳидик. Зора, булар кимларнингдир виждонини уйғотса...

### Энди исрофгарчиликка йўл қўйган шахсларга жарималар қўлланилади

Статистик маълумотларга кўра, биргина Тошкент шаҳрида бир кунда 2 тоннадан зиёд нон, мамлакатимиз бўйлаб эса йилга 3 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари чиқиндига ташланган экан.

Энди овқатланишда исрофгарчиликка йўл қўйган шахсларга молиявий жарималар қўлланилади. Қандай қилиб дейсизми? Бу борада жорий йилнинг 31 май кунин Президентимизнинг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 1 июлга қадар умумий овқатланиш соҳасида озиқ-овқат чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтириш ва ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида “Оқилона истеъмол” дастури ишлаб чиқилди. Дастурга кўра, озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан масъулиятни ошириш, аҳоли ўртасида турли овқатланиш одатларини шакллантириш ва ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олиш ҳамда меъёридан ортиқ истеъмолни тарғиб қилишни чеклаш, исрофгарчиликка йўл қўйган шахсларга молиявий чоралар қўллаш ва назорат механизмларини ўрнатиш борасида бир қанча бандлар мавжуд.

### Ушоғига ҳам зор эдик

Алфиянур ИБРАГИМОВА, 94 ёш, Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида яшайди:



— Болалик даврим очарчилик ва қимматчилик йилларига тўғри келган. Бир бурда нон топиб фарзандларим қорнини тўйдирман, дея эрта-кеч елиб югурган ота-онам ва яқинларим очликдан вафот этган... Эсимда, чамаси 10 ёшлар эдим. Уйимиз олдидаги катта далада бугдой экиларди. Онам бечора бугдой ўрмидан сўнг биз, фарзандларига озгина бўлса ҳам қувват бўлсин, деб тупроқ орасида қопиб кетган бугдой бошқларини битталаб териб юрарди. Кейин уларни ювиб, келида майдалаб, сув тўлдирилган қозонга туз ташлаб қайнатарди. “Бу қувват бўлади, Худо хоҳласа, ҳали ёруғ кунларга чиқамиз, ҳаммаси яхши бўлади”, дея масаллиқсиз қайнатилган шўрвани ичишга ундарди. Гарчи ҳеч қандай таъмин сазмасак-да, силламизни қуритган очлик танамизни тарқ этгандай бўларди. Уша даврда бир бурда нон туғул, ушоғига ҳам зор эдик, ўлиб қолмаслик учун кепак, кунжара еган кунларимиз эртак эмас.

Шунинг учун ўтмишни эслагим келмайди. Алпоҳжа беадад шукр, болам, тўқчилик, тўқинлик ва тинчлик замонида яшяпмиз. Албатта, ношукрилик қилмасдан, нолимасдан буларнинг қадрига етиш керак. Ноннинг уволи ёмон, исрофгарчиликни, ерда тўқилган ушоқларни кўрсам, йилгаим келади. Чунки яқинларим очликдан шишиб ўлганини ўз кўзим билан кўрганман...

94 ёшли онахонинг сўзларини тинглар эканмиз, жавдираб турган кўзларида ўтмишнинг аянчли озорлари ва аксини ўз вужудимизда ҳис қилгандай бўдик. Яхшиям, онахон бугунги тўй ва тантаналарда, ҳатто таъзия маросимларида ёйишга яроқли бўлган қанчадан-қанча неъматларнинг увол бўлаётгани, чиқиндихоналарга саватлаб тўқиллаётганини кўрмаяпти.

Нега бугун болалар таглигидан тортиб, турли ифлос буюмларга нон бўлақларини аралаштириб, ахлат қутиларига ташляяпмиз? Ахир Ҳадиси шарифда ҳам нонни эъзозлаш кераклиги, уни увол қилиш гуноҳ эканлиги алоҳида таъкидланган-ку?



Азиз замондошим, дастурхон устида иссиқина, юмшоққина нонни ушатаётганимизда дунёнинг қайсидир бурчагида очликдан силласи қуриётганлар борлигини ҳам бир эсга олайлик. Доно ҳалқимизнинг “Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан”, деган ҳикматли сўзларини ёдимиздан чиқармайлик!

### “Енглар, ичинлар, аммо исроф қилманлар”

Жобир ЭЛОВ, Мир Араб олий мадрасаси ректори:



— Нон исрофи ношукриликдан келиб чиқади. Ҳадиси Қудсийда “Эй Одам фарзанди! Ҳамиша овқатланишга ўтирганингда қорни оч бечоралар ҳам эсингда бўлсин. Шунда Аллоҳнинг берган неъматларига шукр қилишинг осонроқ бўлади”, дейилган. Аллоҳ юртимизни тинч, дастурхонимизни тўқин қилиб берди, неъматларни истеъмол қилишимиз учун саломатлик берди. Шукр қилиш ўрнига буларни нима учун исроф қиламиз? Инсон барча жонзот орасида азиз ва муқаррам қилиб яратилгани учун ҳам унга нондай неъмат ато этилган.

Шунинг баробарида “Енглар, ичинлар, аммо исроф қилманлар”, деб буюрилган. Исроф қилганлар “шайтонларнинг дўстидир” деб таъриф қилиниб, бундай ношукрулар учун ҳар икки дунёда жазо тайёрлаб қўйилгани огоҳлантирилган. Нафақат нон, балки ҳеч бир нарсани исроф қилмасдан ишлатиш ҳақиқий мўминлик белгисидир. Тўғри, кўп қаватли уйларида яшаётганларнинг боқарга моли йўқки, қолган-қутганларни уларга емиш қилиб берса. Лекин уша уйланинг барчасида нон ташлаш учун алоҳида махсус идишлар қўйилган-ку. Нега азиз неъматларни идишларга эмас, турли хил ахлатларга аралаштириб юборасиз? Ноннинг ушоғини ҳам увол қилиб ташлаш, катта гуноҳ, хато эканини унутманг!

### Ноннинг увоғини боссанг, кўр бўласан...

Нигора ЖЎРАБОВЕВА, 64 ёш, захирадаги подполковник:



— Негадир ота-боболаримиз ўғитини, яқин тарихда бўлиб ўтган очлик даҳшатларини, ота-оналаримиздан эшитган бир тишлам нон қадрини жуда тез унутяпмиз. 33 йилдан буюн Диевробод маҳалласига қарашли кўп қаватли уйда яшайман. Маҳалла фаоли ва уйбошиман. Ҳар кун эрталабдан маҳалладаги уйлар атрофини айланиб, юқори қаватлардан ташланган нон бўлақлари ва егулик қолдиқларини териб юраман. Баъзилар “Нигора опа, сизга зарилми, қачон қарасак, кимгадир дақиқ берган, кимнидир тартибга чуқирган, ёшларга насихат қилган ҳолда кўраимиз. Бу ҳам етмаганидек, ердан нималарнидир териб юрасиз, фаррошларга ёрдам берасиз. Ундан кўра, оёғингизни узатиб, маза қилиб яшамасизми”, дейди. Тупроққа қорилиб ётган нон бўлақлари, исроф қилиб тўқилган овқат қолдиқларини кўриб, виждони бор одам қандай хотиржам ва бефарқ яшай олади, дейман кўпинча. Болалигимизда ёши катталар

овқат еб бўлмагунча дастурхондан туришга бизларга рухсат берилмаган. Фотиҳа ўқилган, дастурхон қадам босилмайдиган жойга қушлар, қурт-кумурсақлар увоқларни териб есин, деб қоқиларди. Ҳозир эса баъзи бир оилалар таомдан кейин фотиҳа қилишни билмайди ёки ўзларига эр қўрмайди. Отам раҳматли ноннинг ушоғини босманлар, кўр бўласизлар, дерди. Бобо-момолар ўғити ўтмишда қолгандек. Наҳотки, уруш йилларида ва ундан сўнг юртимиз бошидан ўтган очлик даҳшатларини, бувиларимиздан эшитган бир тишлам нон қадрини шунчалек тез унутаятган бўлсак.

### Қиссадан ҳисса

Бу дунёда ҳамма нарсанинг ҳисоби бор. Шунинг учун бўлса керак, ҳисобли дунё, дейишарди. Вақти келса, ҳамма нарсанинг ҳисобини қиламиз, яхши яшаш учун изланиб, интиламиз, орзу-ҳавас-ла иморатлар қураемиз, етти маҳаллага кўрсатиб, чиройли тўйлар қиламиз. Хуллас, бировдан кам бўлмай зўр яшашга интиламиз. Лекин негадир сўнгги вақтларда онгимиз ўтмаслашиб қолаётгандай. Аллоҳ бандаси учун берган неъматларнинг қадрига етмаяпмиз, оёқ ости қилапмиз.

Ҳамма нарсига етган ақлимиз исрофгарчиликка келганида ўтмаслашаётгандай. Йўқса, тириклик неъматли бўлган ризқимизни бутунлигича ахлат қутиларига улоқтирармидик? Нега қиммат тақинчоғимизни, ялтир-юлтир кўйлагимизни, ифори оламни тутар атиримизни чиқиндихоналарга ошмаймиз-у, ризқу насибамиз бўлган нонни ерга ташлашдан кўрмаймиз? Бир кун ичмасак, томоғимиз қуриб, бошимиз айланмадиган сувни тежамаймиз, куну тун ёниб, ҳамма ёқни чароғон қилиб турайдиган

беминнат электр энергиясига беисорандиз. Яшил табиатини пайхон қилаверамиз, бепоз жониворларни яямай қирамиз.

Ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз тўқин бўлиб боргани сайин маънавий қашшоқлашиб кетаётгандайми, назаримда. Нега фарзандларимиз, невараларимизга яхшилик қилиш савоблигини, ҳалол меҳнат рохатлигини айтмаяпмиз. Ўғрилик, таъмағирлик, дангасалик, исрофгарчилик гуноҳ эканини ўқтирмаяпмиз. Ишимизни ёки вақтимиз йўқлигини пеш қиламиз. Дастурхон бошида эса телефонимизни қўлдан қўймаймиз. Гап-гаштаклардан бўшамай қолдик.

Азиз замондошим, дастурхон устида иссиқина, юмшоққина нонни ушатаётганимизда дунёнинг қайсидир бурчагида очликдан силласи қуриётганлар борлигини ҳам бир эсга олайлик. Доно ҳалқимизнинг “Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан”, деган ҳикматли сўзларини ёдимиздан чиқармайлик!

### Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



### ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

## “ОНАМ БИЗГА ОРЗУ ҚИЛИШНИ ЎРГАТГАН”

Яқинда матбуот нашрларининг бирида бундай жумлаларни ўқиб қолдим: “Агар нефть ва олтин қазिश соҳасига бир доллар инвестиция киритсангиз, тўрт-беш баробар, бозордан нарса олиб сотсангиз, йигирма-ўттиз фоиздан бир баробаргача фойда келтириши мумкин. Шу маблағни фарзандингизни ўқитиш учун йўналтирсангиз, минг баробар бўлиб қайтади...”

Дарҳақиқат, ота-онанинг муҳим вазифаларидан бири — фарзанд тарбияси. Таълим-тарбияга эрта эътибор қаратган ота-оналар бугун фарзандлари рохатини кўриб яшамоқда. Биз ушбу мақоламизда оддийгина ҳарбийлар оиласининг эгизак фарзандларини ҳақида сўз юритмоқчимиз. Нега айнан ҳарбийларнинг фарзандлари демокримизми? Чунки давлатимиз томонидан уларнинг ўғил-қизларига ҳам қўллаб-қувватлаётган яратиб берилляпти. Ҳўш, улар бу имкониятлардан унумли фойдаланяптими? Янги Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларнинг уй-ҳаётига нималар билан банд?

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинларида контракт асосида хизматни ўтаётган кичик сержант Валижон Тўраев фарзандлари таълимга алоҳида эътибор қаратган оталардан. Утган йили унинг эгизак ўғиллари Тохиржон ва Зойиржон ҳарбий хизматчилар фарзандларига берилган имтиёздан фойдаланиб, юртимизнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Жорий йилда Тохиржон Муродиллаев Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот хавфсизлиги, Зойиржон Муродиллаев эса Тошкент давлат юридик университети давлат бошқаруви йўналиши бўйича 1-босқични тамомлади. Айни пайтда илмга чанқок ёшлар ёғзи таътилда. Ўқш таассуротлари ҳақида сўраган бўлиб, ака-ука билан суҳбатладик. Қизиқарли суҳбатимиз давомидан эгизакларнинг болалик орузлари, келажакдаги режа ва мақсадлари, сеvimли китоблари ҳақида билди олдик.

— Ота-онам болалигимиздан бизни яхши ўқишга қизиқтириб ўлғаттирди, — дея сўз бошлади Тохиржон. — Отам хизматда бўларди, онам бизни етаклаб мактабимизга тайёрлов курсига олиб борарди. Асти бухонликми. Когон туманида энг зўр деб тан олинган ихтисослаштирилган мактаб бор. Онам доим бизга катта бўлсангиз, шу мактабда ўқийсиз, деб таъкидлаган. 2-синфдан ихтисослаштирилган мактабда ўқишимизни давом эттирдик. Яхши ўқидик. Шу мактабнинг юқори синфидан биздан уч-тўрт ёш катта бўлган эгизак ака-ука бор эди. Бир кун директоринимиз барча ўқувчиларни йиғиб, ака-укаларни мактаб гапирди, ҳаммамиз билан ибрат олишимиз кераклигини айтди. Улар республика фан олимпиадасида иштирок этиб, фахри ўринини қўлга киритган экан. Ушанда Зойиржон иккимиз ҳам биллими, ота-онамизнинг фахри фарзанди бўлишни қўлимизга тулганамиз.

— Акам математикага қизиқди. Мен эса тарихга меҳр қўйдим. 6-синфга ўтган вақтимиз отамнинг хизмат жойи Қорақалпоғистонга кўчди, — дея суҳбатга қўшилиб Зойиржон. — Жонажон мактабимиз билан хайрлашиб, Нукус шаҳридаги 44-умумтаълим мактабиде ўқишни давом эттирдик. Синфда биллими йигитлар кўп эди, соғлом рақобат муҳити бизни янада кучли бўлишга ундарди. Фан тўғралақларига катнай бошладик. Отам етишмовчилик ва оғир шароит туфайли олий таълим муассасасида ўқий олмаган. Лекин институтда ўқишни бир умр орзу қилган. Шунинг учун доим бизга “Мен ўқий олмадим, лекин сиз таълим оламан десангиз, куну тун ишлашга ҳам розиман. Ўқш ёки бирор касбнинг устаси бўлиб, ҳалол меҳнат қилиш керак. Ўқисангиз, бировдан кам бўлмайсиз”, деб насихат қиларди. Онам эса бизга орзу қилишни ўргатган. Ҳар эк босшимизни силаб, “Болажонларим, китобдан бош кўтарманг, вақтингизни беҳуда сарфламанг, илм олинг. Отангиз иккимиз факат мактабда ўқиганмиз, лекин меҳнат қилиб кам бўлмадик, умидимиз сизлар сиз”, дерди. Жуда кўп китоб ўқирдик, ҳар яқшаба кунлари отам ёки онам, албатта, бизга янги китоб олиб келарди. Китоб энг яқин дўст, дейишарди.

Тохиржон ва Зойиржон бир-бирига икки томчи сувдек ўхшайди. Бир қарашда ажратиб олиш қийин. Лекин суҳбатлашиб, фарқларни сезиш мумкин. Тохиржоннинг акаларга хос салобати бор. Қарор чиқаришда ҳам кўпроқ ақлни ишга солади. Зойиржон эса ақли. Сўзга чечан йигит. Бир-бирига меҳрибон, дўстона муносабатда ўлғайган йигитларга, очиги, ҳавасингиз келади.

— Зойиржон менинг маслаҳатчим. Дунё хабарлари бўлаётгани, сиёсий вазият ҳақидаги янгиликлар борми, укамдан эшитаман, — дейди Тохиржон. Зойиржон акасининг гапини илҳиб келди: — Акам эгизагим бўлганига, ички дунёси менга бегона эмас. Мен бирор мавзу ҳақида қаттиқ бош қотираётган вақтим акам гўё эшитгандек менга йўл-йўриқ қўрсатади. Ҳаётимизда китоб муҳим ўрин тутган. Тинмай бадий адабиётлар ўқирдик. Шеръ ёллардик. Кейин эса ўқиганларимизни ота-онамизга айтиб берардик. Уйимизда фанларга доир китоблар жуда кўп. Энди эса китоб жавоним ҳуқуқий китоблар билан бойимокда. Тарихдан ҳам воз кечолмайман. Ўзбекистон тарихига доир китоблар ўқишни хуш кўраман. Юридик университетга кирганимдан сўнг ўқитувчимизнинг талаби билан “Жиноят ва жазо” асарини ўқиб чиқдим. Бир оз оғирроқ, ёзувчининг ўткир қалами китобхонани ўйлашга, фикрлашга қорлайди. Фахрлиниб айта оламан, акам билан эришган ютуқларимиз замирида китобнинг ўрни бекиёс.

— Ҳозир технологиялар асри. Сунъий интеллект ҳаётимизга кириб келди. Сиз мўъжизаларга ишонасизми? — дейди Тохиржон. — Эртага кўринмас телефон орқали гаплашишимизга-чи? Қўл меҳнатига эҳтиёж йўқолиб бормоқда. Йилдан-йилда технология ривож топаётган замонада яшяпмиз. Шу боис, ахборот хавфсизлиги масалалари муҳим аҳамиятга эга. Мен танлаган соҳа айнан шу масалаларни ўрганади. Эндигина 1-босқични тамомлади. Насиб қилса, танлаган йўналишим бўйича малакали мутахассис бўлишни мақсад қилганман. Болалигимизда буш вақтимиз спорт билан ўтди. Каратэ, бокс, шахмат билан шуғулландик. Ҳозир икковимиз ҳам хорижий тилларни ўрганиш билан машғулмиз.

Эгизаклар биз билан бугунги ёшлар, яъни ўз тенқурлари ҳақидаги фикрлари, келажак орузлари билан ўртоқлашди. — Нукусдан Тошкентга келган вақтларимиз бу ерда ёшлар анча йилгарилаб кетганини сездик, — дейди Тохиржон. — Интеллектуал салоҳияти юқори, биллими ёшларни кўриб, ҳавас қилдик. Улар ҳар томонлама муқаммал бўлишга интилади. Бир неча тил билади. Буларнинг бари юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва гамхўрлик самараси, албатта. Бизга чексиз имкониятлар эшиги очилди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, билдирилатган ишончини оқлаймиз. — Ун йилдан сўнг мен офицерлар сафиде бўлсам керак, — дейди қатъий ишонч билан Зойиржон. — Шунда орзуларимдан бири ушалади. Энди бўёғига мақсадларга қараб ҳаракат қиламиз. Режаларим ҳақида айтишга одатланмаганман. Сир бўла қолсин. Ёшларимиз биллими, изланувчан, ўз фикрига эга. Кичик сержант Валижон Тўраевнинг фарзандлари яқин келажакда ўз касбининг етуқ мутахассиси бўлишга ишонамиз. Зеро, мамлакатимиз ёшлари учун барча шароит ва имкониятлар бор.

### Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА, журналист



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.  
43927 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов  
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй